O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV-29

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
22 IYUN
SHANBA
№ 78 (26.937)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Қ. С. Назаровни Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Қобилжон Саматович Назаров Ўзбекистон Республикасининг Латвия Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2002 йил 21 июнь

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 июнь куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди.

Мамлакатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларини муҳокама этиш учун қулай имконият туғилганини таъкидлади.

Ўтган йил охирида Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. Ушбу ҳужжат доирасида жорий йилнинг 1 июлига қадар амалга оширилиши керак бўлган тадбирларни ўз ичига олувчи мониторинг дастури ишлаб чиқилди. Таъкидламоқ керакки, Ўзбекистон мазкур дастурдаги барча пунктларни адо этди.

Меҳмон мамлакатимизда мониторинг дастури ижроси якунлари билан танишиб чиққанини, Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистон амалга оширган ишлардан мамнунлигини таъкидлади ва самимий қабул учун Президентга миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш, жамғарманинг мамлакатимизга хорижий сармоя жалб этишдаги иштирокини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

✧✧✧

Суратда: *қабул пайти.*

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

МАДАНИЙ МЕРОСЛАРНИ САҚЛАШ УЧУН

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жон Ҳёрбст Самарқанддаги Тарих ва маданият Давлат музейига Америка Қўшма Штатлари Давлат департаменти ҳузуридаги Элчилар жамғармасининг маданий меросларни сақлаш бўйича грантини топширди.

12 минг АҚШ доллари миқдоридаги ушбу грант музейга XI асрда битилган йигирмата тарихий Қуръонни сақлаш ва кўргазма сифатида намойиш этишни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган.

Ўзбекистон иккинчи йилдирки, кетма-кет Вашингтондаги Элчилар жамғармаси томонидан мана шундай грант ажратиш учун танлаб олинмоқда. 2001 йилда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ўз архивидаги тарихий қўлёзмаларни ҳимоялаш ва сақлаш учун ана шундай грант олганди.

Элчиларнинг маданий қадриятларни муҳофаза қилишга ихтисослашган ушбу жамғармаси АҚШ ҳукумати томонидан 2000 йили ташкил этилган. Жамғарманинг мақсади турли мамлакатларга уларнинг миллий бойликларини муҳофаза қилишларига кўмаклашиш, шунингдек, АҚШнинг бошқа мамлакатларга ҳурмати белгисидир. Бу йил жаҳоннинг 51 мамлакати мазкур жамғарма грантларини олади.

■ «Туркистон-пресс»

DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги Ҳукумати ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

Битимни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Иордания Ҳошимийлар Қироллигининг мамлакатимиздаги Муваққат ишлар вакили А. Лукаша имзоладилар.

Ушбу битим Ўзбекистон ҳамда Иордания халқлари ўртасида маданият соҳасидаги икки томонлама алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган бўлиб, маданият ва санъат арбоблари делегациялари, маданият ўқув юртлари олимлари ва аспирантлари, тарихий-маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳаларида мутахассислар билан алмашувга, шунингдек мусиқа, театр ва фольклор ижодий жамоаларининг турли танлов, фестиваль ва кўргазмаларда иштирок этишига кўмаклашади.

«Жаҳон» АА

БОШҚАРУВНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛДИ

Пайшанба куни Афғонистондаги тинчлик кучлари қўмондонлигини Буюк Британиядан Туркия қабул қилиб олди. Тантанали маросимда Афғонистон президенти Ҳамид Карзай иштирок этди. Туркия ўз қўшинларини Афғонистон ҳудуди бўйлаб жойлаштиришни бошлади. Ҳозир Туркия тинчлик кучлари контингентида 1400 ҳарбий бор. Буюк Британиянинг 1500 ҳарбий хизматчидан иборат контингенти июль ойининг бошларигача қисқартирилиб, 400 нафари қолдирилади, дея хабар беради Reuters агентлиги.

ЯНА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМОҚЧИ

Латвия президенти Вайра Вике-Фрейберга 2003 йили мамлакатда бўлиб ўтадиган президентлик сайловларида яна ўз номзодини қўйиб, ушбу лавозим учун қизғин кураш олиб бормоқчи.

Вике-Фрейберганинг Ригада журналистларга берган интервьюсида айтилишича, унинг уч йиллик фаолияти давомида мамлакат барча соҳалар бўйича анча олға силжишга эришган.

ҲУКУМАТ ТАРКИБИНИ ЎЗГАРТИРМОҚЧИ

Ҳиндистон ҳукумати берган манбаларга қараганда, мамлакат бош вазири Атал Бихари Важпаи яқин кунларда ҳукумат таркибини ўзгартирмоқчи. Бироқ, катта ўзгаришлар қилинмайди. Фақат молия ва иқтисодиёт вазирликларида ўзгаришлар бўлиши мумкин, дейилади Reuters тарқатган хабарда.

ЭЛЧИХОНА КЎЧИРИЛИШИ КЕЙИНГА ҚОЛДИРИЛДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат элчихонасини Тел-Авивдан Иерусалимга кўчирилишини кейинчаликка қолдирди. Элчихона бошқа шаҳарга кўчирилиши ҳақида АҚШ Конгресси 1995 йилдаёқ қарор чиқарган эди. Негаки, элчихонанинг Тел-Авивда жойлашиши фақат Исроилни тан олишдан ўзга нарса эмас, деб фаластинликлар норозилик билдиришганди.

ҚЎШМА ЙИҒИЛИШ

Вазирлар Маҳкамасида республика Маънавият ва маърифат кенгаши, Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июнда қабул қилинган «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурларни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига илова қилинган «Маънавият соҳасида»ги дастурнинг бажарилиши атрофлича муҳокама қилинди.

Дастур юзасидан 2002 йилнинг биринчи ярмида кўпдан-кўп вазифалар амалга оширилди. Жумладан, вазирликлар, концернлар, ташкилот ва муассасаларда, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туман ҳокимликларида «Миллий истиқлол ғояси: назария ва амалиёт» мавзуида доимий семинар ташкил этилди, маънавий-маърифий ҳамда мафкуравий мавзуларда талай тадқиқот, илмий ҳамда илмий-оммабоп рисола, дарслик ва қўлланма, плакат чоп этилди. Фарғонада умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари, Бухорода олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиадаси юксак савияда ўтди. Йиғилишда «Маънавият соҳасида»ги дастур ижроси билан боғлиқ муаммолар ҳам кўриб чиқилди, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Юртбошимиз ташаббусига кўра, Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 11 йиллигига бағишлаб «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласи мазмунмоҳиятини тарғиб ва ташвиқ этиш бўйича илмий ва илмий-оммабоп асарлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, матбуот чиқишлари, радио эшиттиришлари ва телекўрсатувлар орасидан энг жиддий ва эътиборга сазоворларини ажратиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида танлов эълон қилишга келишиб олинди.

Йиғилишда Қашқадарё вилояти Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини мувофиқлаштириш кенгашининг фаолияти, шунингдек, Ўзбекистон Бастакорлар ҳамда Ёзувчилар уюшмаларининг фаолияти муҳокама этилди. Маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини ҳам, ижодий уюшмалар фаолиятини ҳам янги, янада юқори поғонага кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Республика оммавий ахборот воситалари масъул ходимлари малакасини ошириш мақсадида «Тарғибот ва ташвиқот технологияси» мавзуида ўқишлар ташкил этиш, бу ишга мамлакатимиздаги етакчи мутахассисларни жалб қилиш яхши самаралар бериши ҳисобга олинди.

Сирдарё вилоятида ҳамда Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси тизимида «Давлат тили ҳақида»ги, «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги қонунлар ижроси, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида маърифий-ҳудудий бирликлар, аҳоли пунктлари, ташкилотлар ва бошқа топонимик объектларнинг номларини тартибга солиш масалалари атрофлича муҳокама қилинди. Республика атамашунослик қўмитаси фаолияти юзасидан ахборот тингланди.

Йиғилишда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти ривожига салмоқли ҳисса қўшган марҳум кишилар номларини абадийлаштириш масалалари кўриб чиқилди. Жумладан, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф номини Тошкент шаҳри кўчаларидан бирига, Андижон вилоятининг Марҳамат туманидаги шоир ўқиган мактабга ва у туғилиб ўсган кўчага бериш таклифлари маъқулланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

■ (ЎзА)

ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ ЎЗГАЧА

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамиятида Марказий Осиёни ўрганиш Француз тадқиқот институти (IFEAC) ҳамда ЎзР-ФА Тарих институти билан ҳамкорликда америкалик тадқиқотчи олим Рассел Занга иштирокида «10 йил Ўзбекистонда амалий тадқиқотлар билан: америкалик антрополог нигоҳида» («Ten years of Fieldwork in Uzbekistan: an American antropologist's view») мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда Фанлар академиясининг ижтимоий-гуманитар йўналишдаги илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг ёш тадқиқотчилари қатнашди.

Профессор Р.Занга ўз маърузасида Ўзбекистонда ижтимоий-гуманитар йўналишдаги фанларнинг мустақиллик даврида ривожланиши ва ундаги ўзгаришлар, тадқиқот усулларининг ўзига хос томонлари ҳақида сўзлади. Унинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий-гуманитар йўналишда фаолият кўрсатаётган ёш олимлар академик мактабларда тўпланган тажриба усулларидан фарқли равишда ўзига хос янги йўналишда ишлаётганлиги кўзга ташланмоқда. Ёшларнинг чет эл илмий-тадқиқот усулларига қизиқишлари ва ўзлари учун янги йўналишларни кашф қилишга интилишлари мақтовга сазовордир.

Жаноб Р.Занганинг чиқиши тингловчиларда катта қизиқиш ўйғотди, маърузадан сўнг мавзу юзасидан мунозара ўтказилди.

■ Саодат ҚОСИМОВА

БАҲСЛАР ҚИЗҒИН КЕЧМОҚДА

Москва, 21 июнь. ЎзА махсус мухбири Муҳаммад АМИН хабар қилади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари халқаро ўсмирлар спорт ўйинлари қизғин давом этмоқда. Юртимиз спорт делегацияси таркибидан жой олган шахматчиларимиз анча яхши натижаларга эришмоқда. Самарқандлик 14 ёшли шахматчи Жўрабек Ҳамроқулов навбатдаги учрашувда озарбайжонлик Рауф Мамедов устидан ишончли ғалабани қўлга киритди. Бу муваффақиятдан сўнг ҳамюртимиз жами уч очко тўплади. Яна бир истеъдодли шахматчиимиз Юлдуз Ҳамроқулова қирғизистонлик Жанил Тиленбоевани мағлубиятга учратди. Сарвиноз Эргашева эса қирғизистонлик Александра Самаганова билан дуранг ўйнади. Бошқа бир шахматчимиз Антон Филипповнинг омади бироз чопмаяпти. У 5-тур баҳсида Грузия спортчиси Леван Панцулаяга имкониятни бой бериб қўйди.

Спортчиларимиз енгил атлетика мусобақаларида ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Югуриш бўйича эстафетада қизлар жамоаси 4-ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасида уч ҳатлаб сакрашда Тарас Моисенко ҳамда Артём Лобачев 4-5-ўринлар билан кифояланди. Диск улоқтиришда Василина Казярская кучли олтиликдан жой олди.

Теннис бўйича ўтказилган учрашувларда Ғофур Эшматов ва Фарруҳ Дўстовнинг омади чопмади. Лекин уларда жуфтлик баҳсларининг финал қисмида ўзларини кўрсатиш имконияти бор.

Стол тенниси, сузиш, қиличбозлик, спорт гимнастикасида ҳамюртларимиз совринли ўринларга эришолмади.

Самбо, юнон-рум кураши каби спорт турлари якунлангани боис, спортчилар учун Москванинг эътиборга молик жойлари бўйлаб саёҳат уюштирилмоқда.

✧✧✧

Суратда: самбо кураши бўйича олтин медаль соҳиби самарқандлик Озод Пардаев.

■ (ЎзА)

ДЎСТЛИК ВА БИРОДАРЛИК РАМЗИ

Республикамиздаги Ҳиндистон маданият маркази Тошкентдаги Лаъл Баҳодир Шастри номли 24-ўрта мактабга ҳинд ва инглиз тилларида чоп этилган дарсликлар ҳамда бадиий адабиётлар, шунингдек, 3 дона компьютер ва алоқа воситаларини тақдим этди.



— Мактабимиз 1956 йилдан буён ҳинд тилига ихтисослашган, — дейди мактаб директори Доно Мираҳмедова. — Бунинг ўз тарихи бор. 1966 йилнинг январь ойида пойтахтимизда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари меҳмон бўлишган. Аниқроғи, бу ерда иккала давлатга алоқадор «Тошкент декларацияси» имзоланган. Ўша кунлари Ҳиндистон ҳукумати раҳбари Лаъл Баҳодир Шастри мактабимизга ташриф буюриб, эсдалик учун китоблар совға қилган. Ўша воқеа сабаб мактабимизда ҳинд тили янада чуқурроқ ўргатиладиган бўлган ва ўқув даргоҳимизга у кишининг муборак номи берилган.

Мактабимиз музейида Шастрининг ҳаёти ҳамда Ҳиндистон маданиятига доир кўпдан-кўп экспонатлар бор.

Тадбирда иштирок этган, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б. К. Митра иккала мамлакат ўртасидаги тарихий муштараклик ҳамда маданий ҳамкорликлар хусусида тўхталар экан, «Мамлакатингиздаги мактаблардан бири Лаъл Баҳодир Шастри номи билан аталиши, — бу, иккала давлат орасидаги дўстлик ва биродарлик рамзи», деди.

— Тошкентда ҳинд тилига ихтисослашган мактабнинг борлиги мени жуда тўлқинлантириб юборди, — деди Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти маркази директори Жозеф Лобо. — Мамлакатингизга келганимга икки ой бўлди. Бу ерда ҳали биз яна бир талай тадбирларни амалга оширишни кўзлаб турибмиз. Аммо бизгача ҳам ўнлаб тадбирлар ўтказилган экан.

— Шу мактабни 1997 йилда тугатганман, — ҳикоя қилади Тошкент Шарқшунослик институтида ҳинд тили мутахассислиги бўйича таълим олаётган талаба Нодир Халилов. — Ўша йили Ўзбекистон ва Ҳиндистон маданий алоқалар дастури асосида Ҳинд диёрига ташриф буюрган делегация сафида бўлдим. Сафар чоғи шуни чуқур англадимки, ҳар икки мамлакатнинг маданияти бир-бирига яқин. Бунга шоҳ ва шоир бобомиз — Заҳириддин Муҳаммад Бобур замонида замин яратилгани, шубҳасиз.

Элларни элларга, дилларни дилларга боғловчи бундай муносабатлар тарих саҳифаларида ёрқин излар қолдириши, авлодларни дўстлик, биродарлик манзиллари сари чорлаши, аждодларимиз руҳини шодумон этиши шаксиз!

■ Ўз мухбиримиз

✧✧✧

Суратларда:

1. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Б.К.Митра ҳамда мактаб директори Д.Мираҳмедова компьютер имкониятлари билан танишаяпти. 2. Ўзбекистондаги Ҳиндистон маданияти марказининг рақс тўгараги раҳбари Ану Радха «Мактаб меҳмонлари» эсдалик дафтарига ўз тилакларини битаяпти.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

«ҒАЛЛА — 2002»

ХИРМОНДА ДОН — ТАНДИРДА НОН

Қарши тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш шартномасини адо этишди

Хушхабар бошоқлари денгиздек чайқалаётган ғаллазорлар оралаб, бутун воҳага ёйилди. Бу йилги ҳосилдан пиширилган нонни дастурхонга қўяётган деҳқонлар қалбида фахр... Ўтган йилгидек мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам туманда ғалладан мўл ҳосил етиштирган ва вилоятда пахта режасини ҳам барвақт адо этган икки туманнинг бири, карвонбошиси — Қарши эди! Бу йил ҳам шундай бўлди. «Намуна», «Ипак йўли», «Бешкент», Собир Раҳимов номли ширкатлар чош-чош хирмон уйишди. 760 гектар ерда деҳқончилик қилган Ю.Хушвақтов номли ширкатда давлатга 2,5 минг тонна ғалла сотилган бўлса, бунинг 1,5 минг тоннаси уруғлик бўлди.

Туман ғаллакорлари 32 минг 900 тонна ғалла хирмони уюб, режани вилоятда биринчи бўлиб бажаришди. Унинг, 5580 тоннаси уруғлик ғалла. Ҳозир ғаллазорларда ўрим ҳали давом этмоқда. Давлатга яна 10 минг тонна дон сотишга аҳд қилган ғаллакорлар ялпи хирмонни 60 минг тоннага етказишни кўзлашди. Даромад ҳам ҳисоблаб қўйилди. Соф фойда 1,5 миллиард сўмдан ошади.

Топганингиз яхши кунларга, тўйларга буюрсин Қарши ғаллакорлари!

■ **Юнус УЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАЪЛИМ — ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРДА

Самарқанд давлат чет тиллар институтида ўтказилган семинар ТАСИС — ТЕМПУСнинг маърифий лойиҳаларига бағишланди.

— Семинар республикада таълим тизимини халқаро андозаларга етказиш юзасидан олиб борилаётган янгиланиш жараёнларига олий ўқув юртлари ўқитувчиларини жалб этиш мақсадида ўтказилди, — деди мазкур лойиҳа мувофиқлаштирувчиси А.Абдурахмонов «Туркистон-пресс» мухбирига. — Маълумки, республика таълим ривожида ТАСИС — ТЕМПУС халқаро лойиҳасида фаол иштирок этаётир. Лойиҳа томонидан берилаётган грантлар янги ғоя ва илмий тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этишда қўл келяпти.

■ **«Туркистон-пресс»**

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — ҲАМИША ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Партия ташкилотларининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати маҳаллий тузилмалари билан ҳамкорлиги тобора кучаймоқда. Бу ёшлар ўртасида турли тадбирларни ташкил этишда намоён бўлмоқда. Мисол учун **Чортоқ туман партия кенгаши** тумандаги маиший хизмат ва ижтимоий-иқтисодий коллежлари талабалари ўртасида, «XXI асрда — гиёҳванд моддаларсиз турмуш» шиори остида ташкил этилган интеллектуал ўйинни кўрсатиш мумкин.

ХДП Шаҳрисабз тумани кенгаши қошидаги «Ёшлар» клубининг навбатдаги йиғилишида, ёш партия аъзолари маҳаллалар ёшлари учун, «Камолот»жамғармаси туман бўлими раиси Ш.Исломов «Ўзбекистон сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва миллатлараро тинчлик мамлакатидир» мавзуида маъруза қилди.

«Икки палатали парламент қандай бўлади?» **ХДП Янгиқўрғон туман кенгаши** ташаббуси билан агроиқтисодиёт коллежи талабалари ўртасида ўтказилган «давра суҳбати» шу мавзуга бағишланди. Унда туман партия кенгаши масъул ходимлари, ХДПдан сайланган депутатлар фаол иштирок этдилар.

ХДП «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси партия кенгаши республика авто-мото-ҳаваскорлар кўнгилли жамиятида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» рисоласини ўрганишга бағишланган йиғилиш ўтказди. Тадбирда партия фаоллари, ёшлар вакиллари қатнашдилар.

ХДП Элликқалъа туман кенгаши, ёшларнинг экстремистик ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликни камайтириш мақсадида, тумандаги бешта маҳалла ёшлари орасида спорт мусобақаларини ташкил этди. «Футбол келажаги» шиори остидаги, ўсмирлар орасида ўтказилган мусобақалар натижасида иқтидорли ёш спортчилар аниқланмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, бу ишларда туман партия кенгаши барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилмоқда.

КАРИЯЛАРГА ЭҲТИРОМ

ХДП Қарши туман кенгаши ва С.Раҳимов номли ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилотининг саъй-ҳаракатлари билан «Юз билан юзлашиб» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди. Унда Турсун момо Қаршиева, Зиёда момо Бозорова, Омонгул момо Иброҳимова каби табаррук онахонларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди. Учрашувда туман партия кенгашининг биринчи котиби Ш. Амирқулов онахонларга эсдалик совғалари топширди.

БОЛАЛИГИМ — ПОШШОЛИГИМ

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги суратраши Б.Тўраев олган мана бу лавҳаларни кўрдигу «Болалигим — пошшолигим», деган нақл ёдимизга тушди.

Ҳа-да, бири қўғирчоқ кўтарган, бири «Ер шари» рамзини тутган, яна бири — мўъжазгина паровоз рулига шодон ўтирган мана бу ўғил-қизларнинг айни дамлардаги кўнгил қувончи қайси пошшоликдан кам!?

Бир ёнда осмонўпар чархпалакда учаётган жажжиларнинг севинч қаҳ-қаҳаси янграса, бир томонда эртакнамо аждаҳо келбатини эслатувчи улкан тимсоҳ оғзидан сув пуркаб, маъсум болалик қалбини қитиқлайди. Уларнинг дилкаш, ҳазилкаш, қувноқ бобоси Хўжа Насриддин ҳам: «поездда эмас, менинг эшагимда «катайса» қилинглар» дегандек ташрифга чорлайди...

Нақ эртакнинг ўзи!

Болалар бу ерга фақат эртак тинглашга эмас, эртакларнинг «қаҳрамон»лари бўлиб келишганини ўзлари ҳам билишмайди... Эрта тонгдан то кечга қадар эртаклар шаҳарчаси бағри улар учун ҳам ўйингоҳ, ҳам оромгоҳ!

Гулистон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан Сирдарё вилояти марказининг қоқ ўртаси — шаҳар истироҳат ва дам олиш боғида барпо этилган бу ғаройиб шаҳарча бағри ёзнинг шу иссиқ кунларида чиндан ҳам кичкинтойларга лиқ тўла. У ҳашар йўли билан бунёд этилган республикадаги биринчи болалар антиқа ҳордиқ маскандир. Азалазалдан болажон ўзбек халқи бундай шаҳарчаларни эндиликда ҳар бир вилоят, ҳар бир шаҳар ва туман марказларида тиклашларига шубҳа йўқ.

Суратларда: *«Эртаклар шаҳарчаси»дан лавҳалар*

МУЛОҲАЗА

ЙИГИРМА ЙИЛДАН БУЁН БИТМАЁТГАН БИНО

Мамлакатимизнинг Бош кенти — Тошкент кун сайин эмас, соат сайин ўзгариб, гўзаллашиб, кўркамлашиб бормоқда. Янгидан-янги иморатлар, кошоналардан кўнгил қувнайди. Ана шу ўзгариш, янгиланишлар ичида туя гўшти еган айрим қурилишлар ҳам борки, ўтган-кетганнинг табини хира қилади. Улар гўё «Мен ҳеч қачон ўзгармайман, шу ҳолимча турав ераман!» деб қасам ичганга ўхшайди.

«Чилонзор» метро бекатидаги чорраҳада қурилиши поёнига етмаган улкан бино ғариб ҳолда ётибди. Худди эсдан чиққандек, ҳеч кимга кераги йўқдек.

Ушбу бино қурилиши тарихи билан қизиқиб кўрдик. 1982 йилда республика Кардиология шифохонасини барпо қилиш учун мазкур бино пойдеворига биринчи ғишт қўйилди. Ўтган йигирма йил давомида қанчадан-қанча иссиқ-совуқни, қор-ёмғирни кўрмади.

— «Ўздавтиблойиҳа» институти томонидан лойиҳалаштирилган шифохона қурилиши 1992 йилга келиб тўхтаб қолди, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги моддий техник базани ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи Нодир Калонов. — Мажмуани тугаллаш учун лойиҳа қийматига кўра (1991 йил нархида) 28 миллион 219 минг сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиши керак эди. Бунинг 19 миллион 763 минг сўми (ўша йил нархида) қурилиш-монтаж ишларига сарфланиши кўзда тутилганди. Лойиҳада 300 ўринли ва кунлик қабули 600 мижозга мўлжалланган даво масканида шу кунгача 3 миллион 568 минг сўмлик (1991 йилда белгиланган нархга кўра) капитал қўйилмалар ўзлаштирилган бўлса, қурилиш-монтаж ишлари ҳажми 2 миллион 536 минг сўм бўлди, холос.

— Маблағ йўқлиги сабабли мажмуа қурилиши чўзилгандан-чўзилиб кетди, — суҳбатимизга қўшилди бош бошқарма бошлиғи муовини Наби Абдурахмонов. — Шу кечакундузда иншоот тўла тикланишти учун 12 миллиард 500 миллион сўмдан зиёд маблағ керак.

— Мажмуа қурилиши бизнинг институтимиз томонидан лойиҳалаштирилган, — изоҳлайди «Ўздавтиблойиҳа» институти директори Анвар Аюбжонов. — Ҳозиргача Ўзбекистонда ягона шундай лойиҳа асосида режалаштирилган мазкур шифохона «Зиг-заг» («илон изи») шаклида қад ростлаши билан ажралиб туради. У 14 қаватдан иборат бўлиб, бино остида тиббий ёрдам кўрсатиш машиналари кириши ва унинг қабул бўлимлари ҳам жойлашиши, шу ернинг ўзида беморларни қабул қилиш ишлари амалга оширилиши билан аҳамиятлидир.

Демак, бу ерда беморларни жаҳон тиббиётининг энг сўнгги ютуқлари билан даволай оладиган ва хасталикларга энг аниқ ташхислар қўя оладиган шифохона қурилиши режалаштирилган эди. Жуда яхши ният. Афсуски, бу бино лойиҳаси тузилган пайтда туғилган болалар йигирма ёшдан ошяпти. Бу бинонинг қачон битиши эса ҳали-ҳамон номаълум. Маблағ йўқ. Бу тўғри. Аммо маблағни ким топади? Нимaнинг ҳисобига маблағ топилади? Бу ҳақда ўйлашга, анча чуқур ўйлашга тўғри келади. Ҳар ҳолда ўйлашга ўйимиз топилар.

✧✧✧

Суратда: қурилиши 20 йилдан буён битмаётган бино.

■ **Соҳибжон САЛИМОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ЭКОЛОГИЯ

ОНА ЗАМИННИ ОБОД САҚЛАЙЛИК

Инсоният яна бир учинчи минг йиллик — XXI асрга фан-техника, ижтимоий тараққиётнинг юксак чўққисига кўтарилган ҳолда ва айни пайтда, кўплаб минтақавий ҳамда умумбашарий муаммолар кўндаланг турган бир вазиятда қадам ташлади.

Одамзоднинг ақл-заковати ер ости ишгол қилди, қайсидир маънода энди унинг баъзи вазифаларини робот ва компьютерлар бажаряпти. Ана шу «шиддатли тараққиёт» дунё аҳлини ташвишга солиб, экологик хавф-хатарни келтириб чиқарди.

Она Ерни мусаффо ҳолда сақлаб қолиш яна инсоннинг чекига тушди. Дунёдаги юзлаб нуфузли халқаро ташкилотлар Ер шарининг экологик муаммоларини ечиш устида бош қотиряпти. Мухбиримиз «Экосан» халқаро хайрия жамғармаси президенти Юсуф ШОДИМЕТОВга бугунги экологик муаммолар ва уларнинг ечими хусусида бир неча саволлар билан мурожаат этди.

— Юсуф Шодиметович, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси ташкил топганига яқинда 10 йил бўлди. Шу ўтган вақт мобайнида у нималарга эришди? Унинг дунё миқёсидаги мавқеи қандай?

— Дарҳақиқат, «Экосан» экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси Президентимиз ташаббуси билан Истиқлолнинг дастлабки йиллари, 1992 йилнинг 5 июнида ташкил топди. Бугунги кунда дунёнинг 30 дан ортиқ давлатида бўлимларимиз бор. Франция, Япония, Покистон, Швейцария, Германияда 4 та, АҚШнинг 7 та штатида бўлимларимиз муваффақиятли фаолият кўрсатяпти. Яқинда Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳрида бўлимимизни очдик. «Экосан»нинг фаолият кўлами кенгайишида халқаро ташкилотларнинг роли катта. Биз 1994 йилдан бошлаб БМТ агентликлари, шунингдек, Америка Қўшма Штатларининг бир қатор ахборот агентликлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатдик.

— 1992 йилда Риодe-Жанейрода экология муаммоларига бағишланган халқаро самит бўлиб ўтган эди. Мана, шунга ҳам ўн йил тўлди. Ер юзида кунига гектар-гектар яшил олам қирқиляпти, табиий офат, ёнғинлардан куйиб кул бўлаяпти. Табиат ва жамият ўртасидаги мувозанат бузилди. «Муз тоғи» — айсберглар океанларда сузиб юрибди. Айтинг-чи, бугунги курраи заминимизнинг энг муҳим экологик муаммоси нима? Ва бунинг сабаби?

— XXI асрга инсоният «кескин иқлим ўзгариши» муаммосини «опичлаб» кириб келди. Айниқса, кейинги 5-7 йил ичида Ер юзида — Эльминио ҳодисаси кучайди. Эльминио нима? Ҳозир сизга лўнда қилиб айтаман. Тинч океанининг Экватордаги сув сатҳининг ҳарорати +40,+45 даражага етди. Оқибатда сувнинг буғланиши кескин кўпайди, катта энергия пайдо бўлди. Бу энергия минглаб атом электро станцияларидан чиқаётган энергияга тенгдир. Шундай катта энергия океандан шамол таъсирида кўчиб юради. Мана шу эльминио ҳодисасидир. У Америка қитъаси қирғоқлари, Индонезия, Вьетнам, Ява, Суматра ва бошқа ҳудудларда кучли тўфонлар ҳосил қилаяпти. Бу кучли иссиқ шамол Ер юзининг исталган минтақасида, жумладан Марказий Осиё, Ўзбекистонга ҳам етиб келди. Эльминио ҳодисаси туфайли Ер юзидаги иқлим ҳарорати яна кўтарилиши кутилаяпти. Минтақамиз ҳароратининг +1 даражага ошиши, дунё океанлари сатҳининг 1 метрга кўтарилиши ва сувнинг юз метр қирғоққа сурилиши билан тенгдир. Шундай бир шароитда Марказий Осиёда Орол денгизи қуришидан бошқа яна бир муаммо — глобал иқлимий ўзгариш, Қорақалпоғистон, Хоразм воҳасида катта қурғоқчилик, сувсизлик пайдо қилди. Экологик ўзгариш инсон учун энг катта хавфдир. Сайёрамиздаги иқлим ўзгаришининг оқибатига қарши БМТ Америкада Киото протоколини қабул қилганди. Заминда буғланиш жараёнининг бош сабаби улкан саноат тараққиёти, ишлаб чиқариш корхоналари муттасил ҳавога карбонат ангидрид чиқариши натижасидир, у коинотнинг стратосфера қатламида иссиқлик ва чангдан улкан қобиқ ҳосил қилаяпти. Қобиқ иссиқликни юқорига ўтказмасдан, ортга — ерга қайтариб юбораяпти. Киото протоколига кўра, дунё мамлакатлари ўзлари ҳавога чиқараётган карбонат ангидридни ҳисоб-китоб қилаяпти, камайтираяпти. Ўзбекистон ҳам Киото протоколига қўшилган. Шу боисдан, биз саноат корхоналаримизни ҳавони булғамаслик учун бор чора-тадбирларни кўришга мажбур қилаяпмиз. Минтақамизга катта хавф солиб турган яна бир муаммо — сув. Ҳозир биз бор-йўғи 120-150 километркуб сув заҳирасига эгамиз. Бу кам! Бу муаммо келажакда янада кескинлашиши мумкин. Сув танқислигининг яна бир сабаби қишлоқ хўжалигида сув манбаидан то экинзоргача 40 фоиз сув «йўқотиляпти», баъзи жойларда бундан ҳам юқори фоизда сув нобуд бўлаяпти. Биз голландиялик мутахассислар билан, «Томчи сувда ҳаёт жилваси» танловини бошладик. Бу эса аҳоли онгида сувни тежаш маданиятини шакллантиради.

— Маълумки, Бўстонлиқ тумани пойтахт учун «кислород базаси» ҳисобланади. Лекин Бўстонликдаги экологик аҳвол ҳақида нима дея оласиз? Эшитишимизча, Чорвоқ сувининг ифлосланиши давом этяпти.

— Бўстонликдаги табиат, дарахтларнинг аёвсиз қирқилишини аҳолини газ билан таъминлаш муаммосини ҳал этиш билан ечим топишга киришилди. Ҳукуматимиз томонидан газ масаласи ҳал этилди. Яна бир кўнгилсиз ҳолат, Бўстонликка дам олишга чиқувчилар ахлат қолдиряпти, табиат мувозанатини бузяпти. Чорвоқ сувини ифлослантириш масаласи ҳам жиддий. Аҳоли ўртасида ташвиқот ишларини жонлантириш мақсадида учрашувлар ўтказиляпти. Бизга ёшларнинг тобора фаоллашаётгани қўл келяпти.

— Чўлларимиздаги аҳвол-чи? Чўллашиш жараёни тезлашишининг инсон саломатлигига таъсири-чи?

— Ер юзида чўлларнинг мавжудлиги, эсаётган иссиқ чўл шамоли, булар умумий экотизимнинг муҳим бир қисмидир. Чўлнинг иссиқ, қуруқ ҳавоси, аслида, инсон саломатлигига ижобий таъсир этади. Лекин минтақамизда Орол денгизининг қуриши ҳам чўллашиш жараёнини сунъий равишда тезлаштириб юборяпти. Қизилқум, Қорақум, умумий экотизмни, табиий ҳолда сақлаб қолишимиз керак. Чўл ўсимликларининг экотизимга ижобий таъсирини ҳаммамиз биламиз.

Дунёда чўллашиш жараёнининг олдини олиш учун БМТнинг махсус конвенцияси бор. Ўзбекистон шу конвенция аъзосидир.

— Сўнгги пайтда халқаро экологик хавфсизлик тўғрисида кўп фикр юритяпмиз. Зеро, экологик хавфсизлик Ер юзидаги глобал «умумий муаммо»лигича қоляпти. «Экосан» бу борада қандай амалий ишларни бажаряпти?

— Тўғри, бугун бутун дунё «экологик хавфсизлик» деб бонг уряпти. Юртбошимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида махсус бўлим экологик хавфсизлик муаммоларига бағишланганди. Яъни, аллақачон «Бонг!» урилган эди. Унда кўрсатиб ўтилган фалсафий ижтимоий-экологик концептуал йўналишлар биз учун услубий база вазифасини ўтаяпти. «Экосан»нинг дунёдаги кўплаб бўлимларида унинг моҳияти ўрганиб чиқиляпти. Японияннинг Осака шаҳридаги бўлимимизда профессор Сата Морика бошлиқ катта бир гуруҳ билан Юртбошимиз китобининг тақдимотини ўтказганимизда, юртимиз, унинг ислоҳот жараёнлари, экологиясига дунёнинг қизиқиши ортаётганини кўрганмиз.

— Тўғри, дунё миқёсида юртимизга қизиқиш кучайди, инсонпарварлик ёрдамлари...

— Йўқ, сиз мени тушунмадингиз. «Экосан» жамғармасининг асосий мақсади фақат инсонпарварлик ёрдами билан шуғулланиш эмас, бу иш фаолиятимиздаги, иккинчи масаладир. «Экосан» халқаро жамғармаси бошқа ҳудуд, минтақалардаги экологик муаммоларни ўрганиш ва инсон тафаккурида юксак «экологик маданиятини шакллантириш (энди биз «юксак экомаданият» ҳақида қайғуришимиз керак!), ҳар бир одам — популяция — жамоа — жамият, яъни — кооэволюция — Инсон — Жамият — Табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш услубий фалсафий вазифамиздир.

— Жаҳон афкор оммаси навбатдаги халқаро саммитга тараддуд кўряпти. «Экосан» бу халқаро анжуманда қайси экологик муаммоларга халқаро ҳамжамият диққатини қаратмоқчи?

— Шу йилнинг август ойида Йоханнесбургда (Жанубий Африка Республикаси) «Рио+10» конференцияси бўлиб ўтади. Бу анжуманга бутун дунё мамлакатлари қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Ер юзидаги барча давлатлар, БМТ аъзолари шу 10 йил ичида нима ишлар қилди? Ютуқлар ва камчиликлар нимада? «Рио+10» барқарор ривожланиш йўлида» халқаро саммити Ер шарининг бугунги экологик муаммоларини ўрганади. Ўзбекистонда халқаро саммитга тайёргарлик кўришга «Барқарор ривожланиш учун миллий комиссия» ташкил этилган бўлиб, у «миллий таҳлил»ни тайёрлади. «Экосан» халқаро экология ва саломатлик хайрия жамғармаси «миллий таҳлил»ни тайёрлашда фаол қатнашди. Ўзбекистон, яъни «Экосан» халқаро жамғармаси яқинда аккредитациядан ўтди ва саммитда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бўлажак халқаро саммитнинг Ўзбекистон учун аҳамияти катта.

— Экологик аҳволнинг соғлигига эришиш аввало, ҳар биримизнинг экологик тафаккуримизга боғлиқ. Халқимиз табиатан ораста, бунга шакшубҳа йўқ. Аммо, оғир бўлса-да, айтаман, бироз бепарволигимиз бор. Ёз келди дегунча, баъзи одамлар сувни томорқага ташлаб қўядилар, кўп қаватли уйда яшовчилар ёз жазирамасида ваннада совуқ сувни шарилладитиб очиб қўйиб, хоналарда иқлимни мўътадиллаштирмоқчи бўладилар, бундан ҳам ачинарлиси, куз, баҳор ойлари хазонларни ёқадилар. Врачларнинг таъкидлашича, хазон тутуни ҳавони заҳарлайди, заҳарланган бу ҳавони ўпкамиз ютади-ку...

— Аҳоли орасида соғлом экологик муҳит соф экологик тафаккурни жонлантиришга уриняпмиз. «Энг ораста маҳалла», «Энг намунали оила», «Экология ва оила», «Энг чаққон келин» каби турли хил танловлар ўтказяпмиз. Сув исрофгарчилиги акс этган видеоклиплар, реклама роликлари, интернет, ёш ўлкашунослар ва партиялар билан ҳамкорлик қиляпмиз. Шу ўринда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу борада олиб бораётган ижобий ишларини таъкидлаб ўтиш лозим. ХДП махсус экологик дастур асосида кенг қамровли тадбирлар ўтказаяпти.

Биз — барчамиз экологик маданиятни ҳаётий зарурий кўникмага айлантирмоғимиз зарур. Инсон тафаккуридаги юксак экологик маданият, оила, маҳалла, юрт, минтақа — Она сайёрани омон сақлайди.

■ **Суҳбатдош:**
Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

МИЖОЗ+БАНК=БАРАКА

«Баҳор-2000» фермер хўжалиги қисқа муддатдаёқ оёққа туриб олди. Қорамолчиликка ихтисослашган хўжалик ишни дастлаб бир нечта сигир-бузоқ боқишдан бошлади. Ҳозир эса уларнинг сони 180 тадан ошди. Етиштирилаётган гўшт, сут маҳсулотлари мактабларга, болалар боғчаларига жўнатилади. Сутни қайта ишлаш цехи Навоий шаҳрининг қоқ марказида мўъжазгина сут заводига айланди. Исроилнинг «ИЭС» фирмаси билан ўзаро шартнома тузилиб, замонавий цех линияси сотиб олинди. Бугунги кунда монтаждан чиққан линияда саккиз хил сут маҳсулотлари тайёрланаяпти. Қаймоқ, қатиқ, сузма, сарёғ маҳсулотлари ёнига йогурт ҳам қўшилди.

— Ишларимиз ривожи, — деб ҳикоя қилади тадбиркор Жамшид Муродов, — акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Навоий вилоят бошқармаси берган мадад туфайли бўлди. Банк берган молиявий ёрдам маҳсулотларимизни шаҳардаги йирик-йирик корхоналарга, дўконларга етказиб беришга имкон туғдирди. Шаҳар марказида каттагина ошхона ҳам бунёд этдик. 40 нафардан зиёд қишлоқ ёшларини иш билан таъминладик.

...Жамшид ака билан бўлган гурунг сабаб бўлди-ю, у киши миннатдорлик билан тилга олган «Пахта банк» вилоят бошқармасига бордик.

Чиндан ҳам кейинги йилларда бу ерда кичик ва ўрта бизнесни, фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш борасида намунали ишлар амалга оширилди. Ҳозир вилоятда фаолият юритаётган икки ярим минг фермер хўжаликлари ва мингга яқин тадбиркорнинг аксарияти мазкур банк томонидан берилган молиявий ёрдам шарофати билан ўз маҳсулотлари миқдорини кўпайтириб, сифатини тобора ошириб бормоқдалар. Масалан, 2001 йилда тадбиркорларга 675 миллион сўмлик кредит ажратилган бўлса, шундан 527 миллион сўми банк фойдаси ҳисобидан берилди. Пировардида, 1351 та янги иш ўринлари яратилди. 238 миллион сўмлик ҳалқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Агар ўтган йилнинг биринчи чорагида 50 та фермер хўжалигига 104 миллион сўмлик кредит ажратилган бўлса, жорий йилнинг шу давригача 70 фермер хўжалигига 149 миллион сўмлик имтиёзли кредитлар берилди. Натижада, вилоятда яна уч юз янги иш ўринлари вужудга келди. Бундай кенг кўламли тадбирлар банк мижозлари сони ошишига имкон туғдирди.

Жорий йилнинг охиригача банк 400 миллион сўмлик, шу жумладан, ўз маблағи ҳисобидан 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит ажратишни режалаштирди.

— Жамоа иш фаолиятини «мижоз+банк=барака» деган услубда ташкил этганмиз, — дейди банк бошқармаси бошлиғи



Абдурашид Усмонов. — Қиммат баҳо қоғозлар билан турли хил молиявий операциялар ўтказиш бўйича ўтган йили қатор ижобий силжишларга эришдик. Масалан, банкимиздаги мавжуд саккизта бўлимда шу йилнинг январь ҳолатига кўра, сотилган акциялар миқдори 352,6 миллион сўмни ташкил этди. Акциядорлар сони бурноғи йилга нисбатан икки юзтага кўпайди. «Ўзпахтасаноат» уюшмасига қарашли пахта тозалаш корхоналари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Қишлоқхўжаликтаъминоттаъмир»га қарашли қатор йирик ташкилотлар бизнинг энг фаол акциядорларимиз бўлиб қолди.

Бўлимларимиз қисқа муддатли давлат облигациялари бозорида ҳам пешқадам. Мазкур бозорга 105 миллион сўмлик маблағ йўналтирилган бўлиб, «портфелимиз»да 126510 дона облигация бор. Ўтган бир йил ичида 22,1 миллион сўмлик даромад олдик...

Ҳа, «Пахта банк» Навоий вилоят бошқармаси Президентнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиқиб, жойларда бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Жорий йилнинг 1 январига қадар аҳолининг 220327 минг сўмлик бўш пул маблағлари омонатларга жалб этилиб, режа 107,9 фоиз бажарилди. Омонатчилар сони бир ярим минг нафар кишига ошди. Жами омонатлар бўйича белгиланган марра ҳам 108 фоизга до этилди. Омонатлар жамғармасига белгиланганидан 16039 минг сўм кўп маблағ қўшилди.

— Ниятлар қандай? — сўрадик суҳбат охирида А. Усмоновдан.

— Ниятимиз — мижозлар кўнглига йўл топиш, — жавоб берди у қисқа қилиб.

■ **Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ, Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

✧✧✧

Суратларда: банк ходимлари фаолиятидан лавҳалар.

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ТАБИАТНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

ЗОМИН БОҒИ — ХАЛҚ БОҒИ...

(БУ ЖАННАТМАКОН ТОҒЛИ ҲУДУД МАФТУНКОР ШВЕЙЦАРИЯ БИЛАН ҚИЁСЛАНАДИ)

УЧИНЧИ МАҚОЛА

Мазкур мавзуда газетамизнинг шу йил 13 ва 18 июнь кунги сонларида чоп этилган иккала мақолани ўқиган-ўқимаганлиги, ўқиган бўлса қандай мулоҳазаларга эга эканлигини сўраб, Зомин туманининг табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси раҳбари Алижон Тўрақуловга қўнғироқ қилдик ва овозини тасмага ёздик:

— Авваламбор газетангизга катта раҳмат. Ўзим ҳам кўпдан буён «бизнинг кўнгилимиздаги «оғриқ нуқта»ларни — дардларимизни қайси бир нашр юрак ютиб кўтариб чиқаркан?» — деб ўйлаб юрардим. «Ўзбекистон овози»га обунаман. Бирор сонини ҳам қолдирмай ўқиб бораман. Кейинги пайтларда газ, ичимлик сув, ер, дори-дармонлар, фермер хўжаликлари ҳақида кўпдан-кўп муаммоларни олиб чиқди. Мана, бу гал бизнинг Зомин Халқ боғи тўғрисида ёзиб, «Табиатни асранг, одамлар!» — дея бонг урди. Айни муддао бўлди.

Дарвоқе, ўз еримиздан, табиий бойликлардан баҳра олиб, улардан фойдаланар эканмиз, масаланинг иккинчи томони — табиатни, асраб-авайлашниям унутмаганимиз маъқул. Зеро, Ўзбекистон Конституциясининг XII боб, 55-моддасида (мен уни ёдлаб олганман!) шундай сатрлар бор:



«Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир».

Шундай экан, табиат қўйнида дам олиш ва саёҳатлар ташкил қилиш, тозалаш тармоқлари барпо этиш, сув ҳавзалари, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз.

...Гап дам олувчилар ва сайёҳларга сервис хизмати кўрсатиш ҳақида боргандаям аввало ғиштин, ёғочли ёки бетон уйлар, бинолар қуриш ҳақида эмас, кўпроқ табиатга зиён-заҳмат етказмайдиган ўтовлар, палаткалар ўрнатиш, кўпроқ табиий бошпана-ю, оромгоҳлар қилиш тўғрисида бош қотириш мақсадга мувофиқ бўларди. Яна бир гап: ҳар биримиз биринчи навбатда ёшлар, ўғил-қизларимиз онгида экологик маданиятни шакллантиришга жиддий эътибор қилсак, бу борада кутилган натижаларга эришишимиз осон кечарди...

Халқ боғида ишлаётган, тоғ қишлоқларида умргузаронлик қилиб, шу тоғлар ва боғлар ташвиши билан яшаётган кишиларнинг гаплари, ўй-фикрларини қоғозга туширдигу бундан 20-30 йиллар муқаддам республикамиз фуқаролари дам олиш ва саломатликларини тиклаш учун асосан четга боришни маъқул кўрганликларини эсладик.

Хўш, ўзимизда бундай жойлар йўқмиди? Нега ўшанда бу ҳақда ўйламадик?

Юртимизда хорижий сайёҳларнинг эътиборини тортадиган чет эллардагидек жойлар кам эмас. Бинобарин, маҳаллий соғломлаштириш ва саёҳатлар тармоқларини ривожлантириш даври келганлиги ҳам бор гап.

Шу ўринда яна савол туғилади: **бу ишларни қандай қилиб, қайси маблағ, қайси йўл билан амалга оширса бўлади?**

Бу масалада Юртбошимизнинг нутқлари ва маърузаларида энг мақбул йўл-йўриқлар кўрсатиб берилган: **тармоқда мулк эгалари, мулкдорлар сафини кенгайтириш, уларни қўллаб-қувватлаш керак.**

Очиғи, табиатга муносабат, ўзимизнинг соғлигимизни мустаҳкамлаш ва дам олишимизни ташкил қилиш бўйича ҳамон боқимандалик касалидан қутулганимиз йўқ. Ҳамон «бу ишларни давлат қилиб беради», деган тушунча билан яшаяпмиз. Лекин нафсиламрини айтганда, энди бу ҳолу ҳолатларга кескин чек қўядиган, кучимиз, билимимиз, тажрибамиз, ташаббусимиз ва тадбиркорлигимизга таянадиган давр бошланди.

Қолаверса, ҳар қайсимиз нафақат табиатга оқилона муносабатда бўлиб, уни сақлаб қолишга, балки бойитишгаям ҳисса қўшмоғимиз жоиз. Аслини олганда, ҳар биримиз жонли мавжудот сифатида табиатнинг бир бўлагимиз. Уни қандай бўлса, шундайлигича асрасак, бойитсак биздан кейинги авлоднинг ҳам ундан биз сингари завқланиши, баҳра олишига, энг сўлим, энг хушманзара жойларимизни фарзандларимиз учун ҳам саломатлик ва шодлик манбаи бўлиб қолишига имкон яратган бўламиз.

Шу нуқтаи-назардан мазкур туркум мақолаларни бугун хотималар эканмиз, унда айтилган, билдирилган барча мулоҳазалар, таклифлар ва истакларга нафақат республикамиз миқёсидаги мутасадди вазирликлар, қўмиталар ҳамда ташкилотлардан, балки вилоят ва туманлардаги дахлдор раҳбар органлардан, муассасалардан, жамоатчилик ташкилотларидан, борингки газетхонлардан ҳам жавоблар, хатлар, фикрлар кутамиз.

...Қаранг, гап билан бўлиб вақтнинг қандай ўтганиниям сезмабмиз. Атрофга оқшом қора чодрасини ёя бошлаганда тоғликлар билан хайр-хўшлашиб, Зомин томон пастлаймиз. Тун қўйнида тоғлар салтанати янаям сирли ва жозибали эди...

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ЧОРЧИНОРДАГИ ЧЎҚҚИЛАР

Бу масканда 1000 ёшли чинорлар сокин тебранади. Яп-роқлар шивирлаб Оллоҳга саловат айтади. Кўрган-кечирганларини юм-юм йиғлаб сўзлаб бераётган булоқ, ҳар бир ғишти мозий гувоҳи бўлган мадраса, атрофда тасбеҳ доналаридек сочилиб кетган чинорлар... Шунингдек, Чорчинорда кўш чўққи ҳам бор. Улардан бири ургутлик машҳур эшон Валихон Исмоилхўжа (вафоти 1915 йил), иккинчиси эса унинг набираси, таниқли шарқшунос олим, шайх Қутбиддинхон Муҳиддиновдир. Ургутлик эшонлар сулоласининг икки устуни мана шу масканда мангу ором топган. Аслида бу улуғ инсонлар ким бўлганлар, уларнинг тақдири қандай кечган? Илмий адабиётлар, эътироф этилган манбалар шундай ҳикоя қилади:

Эшони Валихон илму урфонда камолга етган улуғ зот ҳисобланади. Ургутда мадраса, 300га яқин талаба истиқомат қиладиган ётоқхона, масжид ва хонақоҳ қурдирган. Ургутда нақшбандия сулукининг янги ўчоғини барпо этган. Васлий Самарқандийнинг ёзишича, ул киши Ургут етти иқлимга овоза бўлиб, бутун Туронзамин шаҳарларидан муридлар ва толиби илмлар йиғилиб, унинг тарбиясида ҳақ нуридан баҳраманд бўлганлар. Унинг ўғли Хожа Муҳиддинхон ҳам покдомон, тақводор, саховатпеша бўлган. Чорчинордаги ёғочдан тикланган масжид-мадраса ўрнида ғиштдан масжид-мадраса қуради. Шунда «Бухорои шариф Ургутга кўчди», деган овоза тарқалади. Аммо шўро ҳукуматининг дастлабки кунларида у Афғонистонга, у ердан Арабистонга жўнаб кетади. Ватан озодлигини кутиб, уни соғиниб 1931 йилда вафот этади. Қабри Мадинаи Мунавварададир.

Шайх Қутбиддинхон ана шу табаррук сулоланинг вакили. 1906 йилда туғилган. 10 ёшида Қуръони Карим ва 7 минг ҳадисни ёд олган. Ургут ва Самарқанд мадрасаларида таълим олган. Араб ва форс тилларини мукаммал билган. 1930 йилда халқ душмани деган тамға остида қамалади. 1939-44 йилларда қатағон қилинади. Самарқанд, Каттақўрғон қамоқхоналарида азоб чекади. Бироз вақт ўтиб озодликка чиқади. 1951 йилда қайтадан бошланган қатағон туфайли Тошкент, Сибирь, Оренбург ва Уралск лагерларида 4 йил қамоқ жазосини ўтайди. 1955 йилда озод этилади. «Тожик тилининг изоҳли луғути»ни тузишда иштирок этади. Қутбиддинхон Эшон 1960 йилга келиб, яна тазйиққа учрайди. Шундан сўнг Тошкентга келиб Ғафур Ғулом паноҳи ва ҳомийлигида умр ўтказади, Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги тил ва адабиёт институтида фаолият кўрсатади. Алишер Навоий асарлари асосида тузилган «Санглоҳ» луғати мавзуида филология фанлари номзоди илмий даражасини олади. Тўрт жилддан иборат Навоий асарлари изоҳли луғати тузувчиси, «Хамса» асари юзасидан алоҳида, махсус луғат муаллифи бўлди, 1983 йилда вафот этди.

Юртимиз номини оламга ёйган мазкур алломаларга истиқлол йилларида эътибор оширилди. Улуғ инсонлар Хожа Валихон ва Қутбиддинхон Эшонларнинг Ургут туманида жойлашган Чорчинор зиёратгоҳидаги қабрлари ободонлаштирилди, уларнинг илмий мероси кенг тарғиб этила бошланди.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Фанлар академиясининг Самарқанд бўлими, Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети, Халқаро «Олтин мерос» жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорликда Хожа Валихон ва Қутбиддинхон Эшон хотираларини ёд этишга бағишлаб маросим ҳамда илмий-амалий анжуман ўтказди.

Унда иштирок этган академик Ботурхон Валиҳўжаев, профессор Нажмиддин Комилов, Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбарининг ўринбосари Султонмурод Олимов, ёзувчи Олмос Ғуломова, Самарқанд вилояти ҳокими Шавкат Мирзиёев боболаримиз қадамжоларининг обод этилиши, мамлакатимизда миллий қадриятларни тиклаш юзасидан олиб борилаётган улкан ишларнинг узвий давоми эканлигини таъкидладилар. Мустақиллик шарофати билан юртимизда тарихий шахсларнинг, келажак авлодлар учун қолдирган улкан меросини ўрганишга алоҳида эътибор берилаётганига шукрона айтдилар.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

ПЕЛЕ:

«ШУ ЎЙИНДА ЮТГАН ЧЕМПИОН БЎЛАДИ»

Футбол қироли Пеле дастлабки чорак финал учрашувлари ҳақида мулоҳаза юритаркан, Англия — Бразилия ўртасидаги ўйин кескин ва муросасиз бўлишини таъкидлади. У мана шу учрашувда ғолиб чиққан жамоа чемпион бўлиши мумкинлигини айтди. Пеленинг башорати қанчалик тўғрилигини вақт кўрсатади, албатта. Лекин икки услубда — Оврўпа ва Лотин Америкасига хос бу футбол ўйинини мухлислар анча узоқ эслаб юришса керак. Инглизча мустаҳкам ҳимоя билан бразилияча тезкор ҳужумнинг уйғунлашуви учрашув савияси ва салоҳиятини ошириб юборди. Ана шу ўйин олдидан Бразилия ярим ҳимоячиси Жунинью инглизларнинг моҳир ўйинчиси Майкл Оуэндан эҳтиёт бўлишга жамоадошларини чорлаган эди. У бежизга хавотир олмаган экан. Учрашувнинг 23-дақиқасида айнан Майкл ҳисобни очишга муваффақ бўлди.

Футболда ҳужум энг яхши ҳимоя, деган гап бор. Бразилия ўйинчиларининг тез ва шиддатли ҳужумлари самара бериши сезилиб турарди. Танаффусга чиқиш олдидан ҳакам томонидан берилган қўшимча дақиқаларда Ривалдо муддаосига етди, ҳисоб тенглашди — 1:1. Танаффусдан кейин Рональдино ўзини кўрсатди — 2:1. Кўп ўтмай ҳакам ана шу ўйинчини қўполлик қилгани учун қизил карточка билан «сийлади». Устига-устак Роналдо ҳам алмаштирилди. Ҳисоб тенглашадими ёки ғалаба сақлаб қолинадими? Ишқибозлар ана шундай ҳаяжон билан ўйиннинг сўнгги дақиқаларини кутишди. Ниҳоят, ҳуштак чалинди. Ўйин тугади. Бразилия жамоаси 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, дастлабки ярим финалчи бўлди.

Иккинчи чорак финал иштирокчилари — Германия ва АҚШ футболчиларининг учрашуви ҳам қизғин бўлиши кутилганди. Чунки, Германия жамоаси уч марта чемпион бўлган. Америкалик футболчилар 1930 йили ярим финалга чиқиб, 1994 йили 2-босқичга йўлланма олишган, холос. Шундай бўлса-да айрим мутахассислар АҚШ футболчиларининг омадлари келиши мумкин, деб тахмин қилишган эди. Учрашув эса мутлақо бошқача вазиятда бошланди. Гап шундаки, Германия терма жамоаси бош мураббийи Руди Фёллер «Биз АҚШ ўйинчилари ҳимоясининг бўш жойларига умид боғлаганмиз», деган эди. Худди шундай бўлди. Учрашувнинг 37-дақиқасида Михаэл Баллак дарвозани аниқ нишонга олди. Танаффусдан кейин америкалик футболчилар ҳисобни тенглаштиришга зўр бердилар. Бироқ, уларнинг барча уринишлари бесамар бўлди. Шундай қилиб, Германия жамоаси ярим финалга чиқди. Бугун бўладиган Испания — Жанубий Корея, Сенегал — Туркия учрашувларида яна икки ярим финалчи аниқланади.

■ **Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ**

XORIJDA

СЎНГГИ УЧ КУНДА

Хорватияда бирданига кунлар иссиб кетди. Натижада сўнгги уч кун ичида 12 кишининг юраги жазирамага дош беролмади ва улар бандаликни бажо келтирди. Бу ҳақда Vecernji List газетаси чақирув тушган. Шу кунларда Хорватияда ҳарорат 34 даражани ташкил этмоқда, ҳаво намлиги эса юқорилигича сақланиб турибди. Об-ҳавони кузатиш марказидан хабар беришларича, яқин кунларда ҳаво ҳарорати янада кўтарилиши мумкин экан.

ҲАВО ЕТИШМАГАНИ БОИС

Танзаниядаги Мерерани тоғ қишлоғида жойлашган кўмир конида юз берган фожиа натижасида 42 киши ҳаётдан кўз юмди. Кон маъмурияти вакилларининг хабар беришларича, шахта тубига ҳаво етказиб берувчи компрессор ишдан чиққани боис у ерда кислород етишмай қолган.

Дарвоқе, компрессор ишдан чиққанлиги маълум бўлгач, уни тузатиш учун 3 киши шахтага тушган. Бироқ улар ҳам юқорига қайтиб чиқмаган.

Хитойнинг шимоли-шарқидаги конда эса портлаш юз берди. Xinhua агантлиги тарқатган манбаларда қайд этилишича, 140 нафар шахтёр тоғ жинслари уюми остида қолган. Қутқарувчилар атиги 25 кончини қутқариб олди, шундан 8 нафари оғир аҳволда шифохоналарга ёқтизилди. Қолганларининг тақдири ҳозирча номаълум.

18 ТАЛАБАНИ ОТИБ КЕТИШДИ

Нигерияда чиқадиган Vanguard газетасида ёзишларича, мамлакат жунуби-шарқида жойлашган, Энугу шаҳридан унча узоқ бўлмаган Нсуккедаги Нигерия университети ҳудудига машинада номаълум кишилар бостириб кириб, муҳандислик факультети талабаларига қарата ўқ узишди. Натижада 18 талаба ҳаётдан бевақт кўз юмди.

Террорчи-қотиллар шахси ҳали аниқланмади, дейилади CNN тарқатган хабарда.

РАҲБАРИЯТ ЎҒИРЛАНГАН

Чеченистоннинг Ножай-Юртовск туманидаги тоғли Беной қишлоғи раҳбарияти қуролланган номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилди.

Чеченистон бўйича федерал хавфсизлик хизмати бошқармаси берган хабарга кўра, Беной қишлоғи маъмурияти раҳбари Лаида Мажидова, хўжалик директори Мусхаб Дудаев ва маданият уйи директори Жонсари Рахаевлар қуролли гуруҳнинг «ўлжаси»га айланган. Улар аслида сешанба куни ўғирланган экан, бироқ бу пайшанба куни маълум бўлди. Ўғирланганлар тақдири ҳақида ҳозирча маълумот йўқ. Бунинг устига террорчилар ўғирланган раҳбарият эвазига бирор-бир талаб билан ҳам чиқмаяпти.

ВУЛҚОН ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАЙДИ

Камчаткада вулқон чиқиндиларини қайта ишловчи завод қурилиши режалаштирилмоқда. Вулқон чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича шу йил февралда Камчатка губернатори махсус қарор қабул қилган эди.

Лойиҳа мутахассисларининг айтишларича, вулқон «хомашёси»дан силикат ишлаб чиқариш фойдали усул бўлиб, кўп харажат талаб этмайди. Маҳсулотни ички бозорда ва хорижга сотиш кўзда тутилмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, завод қурилишига кетган харажат 2 йилдаёқ қопланаркан. Шунинг учун маъмурият завод қурилишини тезлаштириб, 2004 йил ёзда фойдаланишга топширмоқчи.

ПОЛИЦИЯДАН ҚОЧАМАН ДЕБ...

Коста-Рикада норасмий муҳожир полициядан қочаман деб ўзини Рио Терраба дарёсига ташлади. Дарёда эса тимсоҳлар кўп эди.

Гап шундаки, панамалик 28 ёшли бу муҳожир Коста-Риканинг жанубидаги Пальмар Норте шаҳрида ҳеч қандай ҳужжатсиз яшарди. Бу ҳам етмагандек, унинг қуроли бор эди. Бундан хабардор бўлган полиция уни таъқиб қилган.

Ўзини дарёга отган муҳожирни тимсоҳлар қандай ғажиб ташлаганига кўпчилик ғувоҳ бўлган.

РОССИЯ ИККИНЧИ ЎРИНДА

Маълумотларга қараганда, қасддан одам ўлдириш бўйича Россия жаҳонда иккинчи ўринга чиқиб олибди. Россия Бош прокуратурасининг криминалистика бошқармаси бошлиғи Юрий Лекановнинг айтишича, бу борада кўрсаткич (100 минг аҳолига 34 та қотиллик) бўйича Россия Жанубий Африка Республикасидан ортда қолмоқда, холос.

Бош прокуратура ҳисоботларида қайд этилишича, ўтган йили Россияда 33,5 мингта қотиллик содир этилган. Шундан 7,7 мингдан ортиқ қотиллик сабаблари очилмай қолган, дея хабар беради Интерфакс.

СЕРЖИЛО ТАФАККУР ДУРДОНАЛАРИДАН*

НИККОЛО МАКИАВЕЛЛИ – ИТАЛЬЯН ФАЙЛАСУФИ, СИЁСИЙ МУТАФАККИР, ТАРИХЧИ ВА ЁЗУВЧИ. 1469-1527 ЙИЛЛАРДА ЯШАГАН:

➲ Яхши ибратлар яхши тарбиядан ҳосил бўладилар, яхши тарбия — яхши қонунлардан, яхши қонунлар эса кўпчилик томонидан ўйламасдан қораланадиган ихтилофлардан туғиладилар.

➲ Одамларнинг кўпчилик қисми, уларнинг иззат-нафси ва мол-мулкига тегилмагунча, ҳаётдан мамнун.

➲ Одамлар ҳар қандай қийин тадбирнинг душманидирлар.

➲ Яхши маслаҳатлар,уларни ким бермасин, ҳукмдорларнинг донолигидан туғилади, ҳукмдорларнинг донолиги эса яхши маслаҳатлардан туғилмайди.

➲ Одамларнинг кўпчилик қисми кўринишга қараб фикр юритадилар, чунки, кўрмок ҳаммага, қўл билан тегиб кўрмоқ эса — озчиликка берилган. Ҳар бир киши сени кўринишдан қандай эканлигингни билади, аслида сенинг қандай эканлигинг озчиликка маълум, ва ортида давлат турган кўпчиликнинг фикрига мана шу озчилик эътироз билдиришга журъат қила олмайди.

➲ Одамлар, табиатан, шундайларки, ўзларига яхшилик қилганларга қараганда, уларнинг ўзлари яхшилик қилган кишиларга кўпроқ боғланиб қоладилар.

➲ Журъатсиз ҳукмдорлар яқиндаги хавфдан қутулиш учун, одатда, аралашмасликни маъқул кўрадилар ва бу, одатда, уларни ҳалокатга олиб келади.

➲ Инсон ҳозиргача унинг ошиғини ҳамиша олчи қилиб келган йўлдан қайтишга ўзини мажбурлай олмайди.

➲ Муайян ҳаёт тарзига ўрганган одамлар уни ўзгартиришни ёқтирмайдилар, хусусан, ёвузлик билан юзма-юз тўқнашмагунларигача...

➲ Одамларнинг қандай яшаётганликлари ва қандай яшамоқликлари лозим эканлиги ўртасидаги масофа шунчалик улканки, ким мавжудликни лозимлик юзасидан рад этса, ўзига, фойдага қараганда, кўпроқ зарар етказади, чунки, у, ҳаётнинг ҳамма ҳолатларида эзгуликка риоя этишни хоҳлаб, эзгуликка бегона кўплаб одамлар билан тўқнашади ва муқаррар нобуд бўлади.

➲ Урушга чап бериш ниятида ножўя ишларга йўл қўйиб бўлмайди, негаки, урушга чап беролмайсан, ундаги устунликни эса йўқотасан.

➲ Яхши ишлар билан ҳам, худди ёмон ишлар билан каби, ўзингга душманлик орттиришинг мумкин.

➲ Одамлар, уларни зарурат эзгуликка мажбурламагунча, ҳамиша ёмондирлар.

➲ Эски тартиботларни янгилари билан алмаштиришни ташкил этишдан қийинроқ, олиб боришдан хавфлироқ, муваффақиятидан эса шубҳалироқ иш йўқ. Кимки бундай ташаббус билан чиқмасин, уни, эски тартиботлар кимга фойдали бўлса, ана шуларнинг душманларча муносабати ва кимга янгилари фойдали бўлса, уларнинг совуқ муносабати, кутади. Бундай совуқ муносабат қонунлар унинг томонида бўлган ғаним олдидаги кўрқув билан, қисман эса — ҳали ижобий тажриба билан мустаҳкамланмаган янгиликка, дарҳақиқат, ишонмайдиган одамларнинг гумонсираши билан изоҳланади. Эскилик ихлосмандлари ҳаракат қилиш имкониятини кўрганларида, дарғазаблик билан ҳужум қиладилар, янгилик тарафдорлари эса, ланж мудофаада бўладилар.

➲ Гарчи, янги тартиботлар одамлар онгини ўзгартирсалар ҳам, ўзгараётган тартиботларда эскиларидан мумкин қадар кўпроқ сақланиб қолинишига ҳаракат қилмоқ лозим.

➲ Қўлидан қиличбозлик қилиш келмаган киши тажрибали қиличбозни гангитиб қўяди.

➲ Умумий маслаҳатдан — ҳар бир киши учун қоида — қалб амридан келиб чиқмоқ ва дадил ҳаракат қилмоқдан, бошқа ҳеч кимга маслаҳат бермаслик ва ҳеч кимнинг маслаҳатларидан фойдаланмаслик керак.

➲ Дунёдаги барча нарсалар ҳамма замонларда қадимги даврлар билан ўзига мос равишда ўхшашдирлар. Зеро, уларни ҳамиша бир хил, муқаррарлик билан айни бир хил натижага олиб келувчи, иштиёқли одамлар яратадилар. Бу эса бўлажак нарсаларни ўтмишдагилар воситасида билиб олишни енгиллаштиради.

➲ Ўйлашимча, тақдир бизнинг хатти-ҳаракатларимизнинг ярмини идора қилади, қолган ярмини ёки қарийб шунчасини бошқаришни бизнинг ўзимизга ҳавола этади, деб ҳисобламоқ ҳаққонийдир.

➲ Сенинг ўзингга ва сенинг жасоратингга боғлиқ ҳимоягина яхши, ишончли, барқарордир.

➲ Мақсад воситаларни оқлайди.

➲ Ким ҳокимиятни сақламоқни хоҳласа, ёвузликни ишга солмоғи лозим.

➲ Ҳар қандай вазиятларда саховатпешаликни хоҳлаган кишига саховатпеша бўлмаган кўпчилик орасида ҳалок бўлишгина қолади.

➲ Бизнинг замонимизда энди равшанки, диёнат тўғрисида кам қайғурган ва маккорлик билан одамлар миясини гангитиб қўйишнинг уддасидан чиққан ҳукмдорлар, охир-оқибатда, ўз ҳалол-поклигига суянганларни маҳв этганлар.

➲ Одамлар ёмонлик қилишга мойиллар.

➲ Аччиқ таъм сезишнинг зардасини қайнатгани, ширинликнинг эса меъдага текканидай, яхшилик ҳам одамларни зериктириб қўяди.

➲ Модомики, замонлар ва феъл-атворлар ўзгарувчан эканлар, ким замонага пешвоз чиқса, ҳамма ниятлар амалга ошади, ва у — бахтиёр; аксинча, ким замона ва вазиятлардан четлашса, у бебахтдир.

➲ Ҳукмдор мақтовни йўқ қилмоқчи бўлганида, ўзига нафрат уйғотиш хавфини туғдиради.

➲ Бироқ, топилса агар шундайин бир аҳмоқ,
Чирик том тагида ғайбдан кутувчи паноҳ.
Ўзга том топишни ўйламайин, у,
Ушбу том остига кўмилгайин, у.

➲ Майли, тақдир мени янчиб ташласин, кўраман, унга уят бўлмасмикан.

➲ Ҳалол-поклигим ва садоқатимнинг гувоҳи — қашшоқлигим.

➲ Кимки янги мурувватлар бу дунёнинг катталарини эски гиналарни унутишга мажбур этадилар, деб ўйласа, адашади.

➲ Халқнинг моҳиятини англаш учун ҳукмдор бўлмоқ лозим, ҳукмдорлар табиатини тушуниш учун эса халққа мансуб бўлмоқ зарур.

➲ Ким тақдирнинг марҳаматига кам суянган бўлса, у ҳокимиятда кўпроқ турди.

➲ Тажрибанинг кўрсатишича, фитналар кўп бўлган, бироқ, ўнгидан келганлари кам.

➲ Ҳукмдорнинг ақли хусусида, авваламбор, у кимларни ўзига яқинлаштираётганига қараб, ҳукм чиқарадилар.

➲ Душман билан икки усулда курашиш мумкин: биринчидан, қонунлар билан, иккинчидан, куч билан. Биринчи усул инсонга хос, иккинчиси — ҳайвонга.

➲ Одамлар янги ҳукмдорнинг яхши бўлишига ишониб, бажонидил эскисига қарши кўтариладилар, аммо, алданганларига тез орада тажрибада иқрор бўладилар, негаки, янги ҳукмдор ҳамиша эскисидан ёмон бўлади.

➲ Пул эвазига бериладиган, аммо, қалбнинг улуғворлиги ва олижаноблик билан эришилмайдиган, дўстликни сотиб олиш мумкин, бироқ, уни сақлаб туриш мумкин эмас.

➲ Аслзодаларнинг даъволарини, ҳеч кимнинг иззат-нафсига тегмасдан, виждонан қондириш мумкин эмас, аммо, халқнинг талабларини қондириш мумкин, чунки, халқнинг мақсади, аслзодаларникига қараганда, ҳалол-покроқ: аслзодалар халқни эзишни хоҳлайдилар, халқ эса эзилишни истамайди.

➲ Ҳукмдор ўзига халқни танлашда эркин эмас, аммо, амалдорларни танлашда эркин, негаки, жазолаш ва авф этиш, яқинлаштириш ва ғазабга дучор қилиш — унинг ҳуқуқи.

➲ Муҳаббат кўрқув билан яхши қовушмайди.

➲ Ҳукмдор учун ҳамма яхши фазилатларга эга бўлиш зарурати йўқ, аммо, уларга эгадай бўлиб кўринишнинг бевосита зарурати бор.

➲ Раҳмдилликни суиистеъмол қилишдан эҳтиёт бўлмоқ керак.

➲ Ҳар қандай ўзгариш бошқа ўзгаришларга йўл очади.

■ **Русчадан Муҳаммад РАҲИМ ўғли таржимаси**

*Давоми. Боши газетанинг аввалги шанба (2001 йил 27 октябрдан бошлаб) сонларида.

САНЪАТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ҚЎШИҚ, АТИР, ГУЛ

ДОИМИЙ ҲАМРОҲИМ, — ДЕЙДИ ТАНИҚЛИ ЭСТРАДА ҚЎШИҚЧИСИ, ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ЮЛДУЗ АБДУЛЛАЕВА

У куйлайдиган қўшиқлар оҳанги соғинчдан дарақдир. Йўқса, беҳуда юракни эзмасди. Соғинч — бағри кенг ҳайрат харитаси демак. Ундаги висол орзуси, айрилиқ, ишқ ва кечмиш ширин лаҳзаларининг гўзал хотири, алланечук тотли туйғулар баҳорий ифор сингари қошига чорлайди, кишини. Кўз олдингизга нигоҳлари юлдуздай чарақлаб, ўрик гулларини аста дудоғига босганича Юлдуз келади...

— Кейинги йилларда ижро этаётган қўшиқларингиз «Мен сизни соғиндим», «Ошиғу беқарор бўлдим», «Кетма вафодор» сингари эҳтирос билан ижро этилган ва эшитган кишининг вужудини ҳаяжонга соладиган дастлабки қўшиқларингиздан фарқ қилаяпти. Бунинг боиси нимада?

— Шеър сингари қўшиқ ҳам кайфият маҳсули. Аксарият қўшиқларимни ўзим ёзганман. Аҳволи — руҳиятимга хос шеър топиб, унга ярашиқли мусиқа басталашга ҳаракат қиламан. Чунки ўзимни ўзимдан яхшироқ тушунадиган киши йўқ. Бундан ташқари, ёшинг ўтган сайин туйғулар ҳам ўзгариб бораркан. Ўзингиз ўйланг, 17-18 ёшли қиз тасаввури билан 34-35 ёшли аёл дунёқарашини, дидини тенглаштириб бўладими?

Шу маънода, бир вақтлар, аниқроғи, бундан 15-16 йил илгари ижро этган қўшиқларимни ҳозир худди ўша пайтлардагидек айта олмайман... Киши улғайган сари севгиси ҳам теранлаша бораркан, зотан қўшиқ ҳам севгидай бир гап.

— Дарвоқе, севги ҳақида гап очдингиз. Муҳаббатга муносабатингиз?

— Муҳаббат... шоҳни гадо, гадони подшо этган муҳаббат... Не-не асрлар силсиласида гоҳ маломатга қолиб, гоҳ улуғланаётган ишқ... Менимча, муҳаббатсиз ижро этилган қўшиқлар ҳиссиз, таъсирсиз бўлади. Одамлар кўнглини забт эта олмайди. Келинг, яхшиси, асосий мавзудан четлашмайлик...

— Илгари кўнгилга ёққан шеър топилса, унга хос мусиқа изланарди, куй басталанарди. Ҳозир эса бу жараён кўп ҳолларда аксинча кечаяпти. Буни қандай изоҳлаш мумкин?

— Тўғри. Лекин, тобора ривожланаётган «Шоу бизнес» шу тариқа ижод қилишни тақозо этаяпти-да. Кўпинча мувақкат қўшиқларнинг яратилиш жараёни шундай кечади. Чет эллардан янги оҳанглар, ритмлар кириб келаяпти. Айрим ёш ижодкорларимизнинг эса ўша нарсаларга мойиллиги бор. Мусиқага сўз топиш ўша таъсирларнинг маҳсули. Лекин шу тариқа яратилган қўшиқларнинг умри узоқ эмас, аксарияти тез унутилади.

— Бўлиши мумкин. Бироқ бундай матнлар кўпинча бирон-бир адабий муҳитга мансуб бўлмаган, ёки бирор асари тан олинмаган «шоир»лар томонидан ёзиляпти. Ёки маза-матрасиз «шеър»ларни қўшиқчиларнинг ўзи ҳам ёзиб ташлаяпти.

— Нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Тўғри, бундайларнинг айримлари менга ҳам ёқмайди. Мусиқага хос оҳанг, ярашиб-ярашмаган қофия ва нақорат. Сўзда на туйғу бор, на эҳтиросу самимият? Баъзи қўшиқчилар шеърни ҳаминқадар тушунишади. Шу сабаб қўшиқларига ҳам баъзида ўзлари сўз ёзишади. Бундай олиб қараганда, хоҳлаган одам қўшиқ айтиб, хоҳлаган одам шеър ёзиши ёки мусиқа яратиши мумкин. Бироқ булар оммалашиши олдидан чиғирикдан ўтиши зарур.

— Ўзбекнинг тўйи санъаткорларсиз ўтмайди. Ўзига қолса, ҳамма ҳам яхши кунида машҳур қўшиқчилар хизмат қилишини истайди. Бироқ ...

— Баъзида оддий одамларнинг тўйига хизмат қилолмаганимдан ўзим эзилиб кетаман. Чунки имкониятларим етмайдиган вақтларда ўзим истасамда, ўша одамларнинг кўнглини ололмайман. Бунинг сабаблари бор: битта қўшиқ яратилиши жараёнида унча-мунча одамнинг бир йиллик топган-тутгани сарф бўлиб кетади, десам ишонасизми? Орқаворотдан фалон қўшиқчи тўйга фалон пул билан бораркан, дейишлари ҳам мумкин. Лекин қўшиқчининг машаққатли меҳнатини четдан келган одам қаердан билсин?

— Кимлар билан ижодий ҳамкорлик қиласиз? Маълумотларга кўра, кўп қўшиқларингизнинг куйини ўзингиз басталаган экансиз. Шеър ёзишингизни эса аниқ биламан.

— Тўғри, камдан-кам ҳолларда бастакорлар билан ҳамкорлик қиламан. Кўп қўшиқларимга мусиқани ҳам ўзим ёзганман. Лекин кейинги вақтларда айтган қўшиқларимдан «Лейтенант», «Шоиргинам»нинг мусиқаларини Анор Назаров ёзиб берган, сўзи эса Анвар Обиджонники. Шеърни яхши тушунаман, айтганингиздек. Аммо ёзганларимдан қўшиқ учун камдан-кам фойдаланаман. Чунки уларнинг баъзиларигина қўшиққа тушади. Қолганлари эса... билмайман, нима. деб таъриф беришга...

— Ижодий жараёнда нималарни хуш кўрасиз?

— Мумтоз қўшиқлар тинглаганимда бошқа дунёга кириб қолгандек бўламан. Фаранг атирлари-ю мухлислар томонидан тақдим этилган гуллар жону дилим. Умуман, қўшиқ, атир, гул менинг доимий ҳамроҳим.

— Қўшиқчининг маънавий даражаси мутолаа билан боғлиқ, дейишади...

— Бўш вақтларимда яхши китобдан бошимни кўтаролмайман... Абдулла Қодирий асарларидаги бадиий латифлик ва тилнинг гўзаллигидан ҳайратланаман.

■ **Илҳом КАРОМОВ суҳбатлашди**

ТОШКЕНТ ШАҲАР МУНИЦИПИАЛ БИРЖАСИДА БАНКРОТГА УЧРАГАН КОРХОНА – «ТОШДСК-2» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВОСИТАЛАРИ СОТИЛАДИ.

1. Автомашина ГАЗ-53	гос. № 17-17 ТНА
2. Автобус ЛАЗ-697	гос. № 07-26 ТНЛ
3. Волга ГАЗ-24	гос. № 63-75 ТНМ
4. Автомашина Урал-375 Д	гос. № 07-84 ТНН
5. Волга ГАЗ-24	гос. № 21-05 ТНА
6. Автомашина ЕРАЗ-762 В	гос. № 29-70 ТНН
7. Автомашина ГАЗ 52-04	гос. № 58-40 ТНМ
8. Автомашина ГАЗ 53-27	гос. № 80-71 ТНМ
9. Автобус ТАРЗ 3270	гос. № 10 АЕ 806
10.Автомашина ВАЗ 21061	гос. № 10 AR 641
11. Спец автомашина КС-2561	гос. № 10 АА 327
12. Волга ГАЗ 31-02	гос. № 10 AR 504
13. Волга ГАЗ 31-02	гос. № 51-45 ТНД
14. Москвич фургон ИЖ-2715	гос. № 10 AS 807
15. Волга ГАЗ-24	гос. № 10 AG 327
16. Волга ГАЗ-24	гос. № 10 AR 507
17. Спец автомашина МАЗ 500	гос. № 10 АА 326
18. Спец гидроподъем ЗИЛ-130	гос. № 10 AJ 095
19. Волга ГАЗ-24	гос. № 10 AR 506
20. Автомашина ЕРАЗ 762	гос. № 52-70 ТНМ
21.Автомашина ГАЗ-66	гос. № 07-78 ТНН
22. Трактор 28х414-А	гос. № 62-97 ХФ
23. Прицеп	
24.Бульдозер	
25.Автопогрузчик У № 053,1	
26. Автопогрузчик ДВ 821	
27. Автопогрузчик 4014-М	
28. Трактор ЮМЗ-6 КЛ	гос. № 10-46 ЯД
29. Трактор 28х4	
30. Лебедкали трактор прицепи	
31. Прицеп 2 ПТС-4	

«ТошДСК-2» ОАЖни тугатиш ҳайъати.

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 78-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта серияси 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 ТУР
13
84
6
79
56
45
60
74
7
2
17
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
30035664.1
40008099.3

2 ТУР
42
41
54
90
61
28
14
46
51
11
88
22
8
44
19
37
20
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
10037677.2

3 ТУР
63
53
85
86
38
9
59
76
24
23
80
31
69
55
81
26
49
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
90032177.2

4 ТУР
36
71
73
67
50
25
89
47
15
75
29
18
32
1
3
72
48
58
Сони: 2
Сумма: 5500000
Чипталар рақами
40023240.1
90056061.3

5 ТУР
66
21
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
50014190.2

6 ТУР
12
68
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами
20010864.3
60031675.2

7 ТУР
10
Сони: 4
Телевизор
Чипталар рақами
10082601.3
30005145.1
60030266.2
80056374.1

8 ТУР
5
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
60028339.1
70015140.3
90048654.2

9 ТУР
4
Сони: 6
Телевизор
Чипталар рақами
10081251.2
50045373.3
60033210.3
60049953.1
70015058.1
80093289.2

10 ТУР
62
16
Сони: 3
Телевизор
Чипталар рақами
20029715.3
30010970.2
70066631.1

11 ТУР
82
Сони: 3
Сумма: 1500

12 ТУР
40
Сони: 4
Сумма: 1400

13 ТУР
43
Сони: 10
Сумма: 1300

14 ТУР
70
Сони: 17
Сумма: 1200

15 ТУР
52
Сони: 33
Сумма: 1100

16 ТУР
27
Сони: 40
Сумма: 1000

17 ТУР
65
Сони: 73
Сумма: 900

18 ТУР
78
Сони: 113
Сумма: 800

19 ТУР
64
Сони: 168
Сумма: 700

20 ТУР
34
Сони: 482
Сумма: 600

21 ТУР
33
Сони: 857
Сумма: 500

22 ТУР
35
Сони: 1211
Сумма: 400

Қўшимча тур
Сони: 37
Сумма: 900

Халтадан чиқмаган шарлар:
30, 39, 57, 77, 83, 87

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2002 йил 27 июндаги 79-тиражида ўйналадиган ютуқлар:

1 тур – ҳар бир тўққа ТЕЛЕВИЗОР
2 тур – ҳар бир тўққа ТЕЛЕВИЗОР
3 тур – ҳар бир тўққа ТЕЛЕВИЗОР
4 тур – NEXIA автомобили
5, 6, 7, 8, 9, 10 турларда – ҳар бир ютуққа ТЕЛЕВИЗОР
Ва кўпгина пул ютуқлари

Баҳоси атиги 300 сўм

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00-дан кейин ютуқли чипта қўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари, ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереясининг ўйинлари ҳар ҳафтанинг пайшанба куни соат 18.30 да ЎзТВнинг 1-канали орқали намойиш этилади.

Диққат янгилик!
Имконият бир марта берилади, бу ҳам бўлса фақат «Яхши ният» лотереясида 2002 йил 4 июлдаги 80-тантанали тиражда 1-чи турдан 10-чи тургача ўзингиз ва фарзандларингиз учун 2 хонали уйлар Тошкент шаҳрида ҳужжатлаштириш имкони билан ўйналади.

Ўйнанг!!! Омадингизни қўлдан бой берманг!

«Яхши Ният» чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан сотиб олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2000 йил 27 октябрдаги 400-сонли лицензияси.

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

2002 йил 25,27 июнь кунлари соат 11.00 да ўтказиладиган аукцион савдоларига қуйидаги автомашина қўйилади:

«ГАЗ-2402» русумли, давлат рақами 04 57 ТНС, 1985 йилда ишлаб чиқарилган автомашина.

Бошланғич баҳоси — 200 000 сўм.

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

Имкониятингизни бой берманг!

10 фоизлик гаров пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор хориждлик сармоядорлар, ишбилармон юртдошларимиз республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 10-уй, республика Биржалар маркази биноси, 3-қават, 44-хона, республика Кўчмас мулк биржаси.

Маълумот учун телефонлар: 136-26-26, 136-28-75. Факс: 136-06-17
www. uzrkmb, com

ОАО «O'ZDON»

СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ (СОБЫТИИ, ДЕЙСТВИИ), ЗАТРАГИВАЮЩЕМ ФИНАНСОВО-ХОЗЯЙСТВЕННУЮ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ОАО «O'ZDON»

Открытое акционерное общество «O'ZDON», юридический адрес: г. Ташкент — 700060 ул. Шахрисабзская 36.

Выплата доходов по ценным бумагам номер сообщения — 05.

Вид ценных бумаг:

— акция привилегированная, именная, безналичная, серия Q-O140-T2;

— акция простая, именная, безналичная — серия Q-O140-T2.

Дата принятия решения — 3 мая 2002 г.

Дата выплаты дивидендов — с 18 по 20 июня 2002 г.

Орган эмитента принявший решение о выплате дивидендом по акциям — Общее собрание ОАО «O'ZDON».

Размер выплаченного годового дивиденда на 1 акцию:

— на привилегированную акцию — 75%;

— на простую акцию — 54%.

Общее количество акций:

— привилегированных акций — 1739 штук.

— простых акций — 57613 штук.

Форма выплаты дивидендов — денежными средствами.

Наблюдательный совет ОАО «O'ZDON».

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 136-53-70
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 136-53-21
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-57-20
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 471

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00

1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA